

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 64-ҳадис

64 – وَعَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَتَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَدَقَقْتُ الْبَابَ فَقَالَ: «مَنْ هَذَا؟»، فَعُلْتُ: أَنَا، فَقَالَ: «أَنَا أَنَا؟» كَأَنَّهُ كَرِهَهَا. مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ.

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам хузурларига бориб, эшикларини тақиллатдим. У зот: «Ким бу?» дедилар. «Мен», деб айтдим. Шунда у зот «мен», «мен», деб гўёки қарих кўргандек айтдилар».

Муттафақун алайҳ.

Фойда: Бирор кишини уйини тақиллатилса уй ичидан кимсиз дейилса, у исмини айтмасдан «Мен» деб айтишнинг кароҳияти.

Шарҳ: Мусулмон одоби шулки, бировнинг эшигини тақиллатганда, изн сўрашлиги, овоз бериб келганини маълум қилиши лозим. Агар уй соҳиби томонидан кимлиги сўралганда ўз исмини айтиб таништириши шарт бўлади. Аммо кимлигини сўраган одамга "мен", деб мавҳум жавоб бериши тўғри эмас. Шунинг учун Набий с.а.в. исмини айтмасдан "мен", деб жавоб берилишини ёқтирмасдилар. Демак, мусулмон одам бошқа инсонни йўқлаб борганида ўзини таништириши лозим.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Мусулмон киши киришга изн сўраганида унга: "Кимсиз?" дейилса, у: "мен" демасдан, балки ўзини таништириб. исмини тўлиқ айтади. Чунки "мен" сўзи тўлиқ, аниқ жавобни ифода қилмайди.
2. Мусулмон киши киришга изн сўраётган пайтда эшикни ёнида туради. Ҳовли ичига қарамайди.
3. Мусулмонлик одоби шулки, киши киришга уч марта изн сўраганда ҳам жавоб бўлмаса, қайтиб кетиши лозим. Гарчи ичкарида овоз эшитилса ҳам.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI